



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 34-35
(954)
2025 йил
28 август,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



ЗОМИН

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАМ МАДАНИЙ, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ МАРКАЗИ

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

“Зомин” сўзи қадим Авесто китобида ҳам зикр этилгани кўпчиликка аён. Бугунги кунда сўлим тоғлар қуршаган ушбу маскан меҳмондўст ва танти халқи ҳамда қулай географик жойлашуви, ижтимоий, иқтисодий инфраструктуралари туфай-

ли ислохотлар маркази бўлишига жуда муносиб. Зомин ва унинг тими солида ривожланаётган шаҳарларимизнинг самарадорлик мақомини яна ҳам ошириш юртимиз раънақи-га раънақ, қудратига қудрат қўшади. Зомин ўзининг қадимийлиги ва

навқиронлиги билан туман негизиде бўлса ҳам шаҳарлик мақомидан анча баланд. Шунинг учун унга катта шаҳарлар каби назар қаратиш замон талаби ҳисобланади. Бунинг учун етарли асослар бор.

(Давоми 2-саҳифада)



Мулоҳаза

«ОЛТИН ТАЛВАСАСИ»

Пул – бу, умумий эквивалент бўлиб, маҳсулотларни сотиб олиш ва кўрсатилган хизматлар учун алмашинадиган восита, дея изоҳланади илмий адабиётларда. Бу мавзуда маъруза ўқиш ёки батафсил тушунтириш асосий мақсадимиз эмас. Айтар сўзимиз бошқа.

Бугун содир этилаётган жинойтлар, кенг авж олган фирибгарлик, коррупция каби кўплаб салбий иллатлар вирус каби тарқалаётгандек. Ҳарқалай ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ўқиётган, кўраётган шу мазмундаги хабарлар, воқеалар кўплиги шундай таассурот уйғотади. Бу нима, бойлик васвасасими?

XIX асрда Америка ва Европанинг қатор мамлакатларида юз берган бир жараён “олтин талвасаси” деган иборанинг юзага келишига

сабаб бўлган. Бу ҳудудларда янги олтин қони топилгани ҳақида хабар тарқалиши билан кўпчилик талвасага тушгандек ўша томонларга отланган. Қонлардан бирданига кўп миқдорда олтин қовлаб олиш, тезда бойиб кетиш ҳаёлотини кўпчиликни бойлик васвасасига тушириб қўйди. Аёвсиз рақобат жинойтларини кўпайтирди, оғир меҳнат, очлик, турли қасалликлар эса қанча инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

(Давоми 7-саҳифада)



МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАЛАРИ

(Давоми 4-саҳифада)



(Боши 1-саҳифада)

ЗОМИН

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАМ МАДАНИЙ, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ МАРКАЗИ

Биринчидан, Ўзбекистоннинг электр юраги ҳисобланган гидро-станцияси билан танилган Ширин шаҳри яқинлиги Зоминнинг энергия билан таъминланиши ва ҳар қандай ривожланиш, тараққиётнинг бош мезони.

Иккинчидан, сув омборининг яқинлиги ичимлик ва саноат суви билан таъминланганлик – барқарор ривожланиш кафолатидир. Бу аҳоли ва инвесторлар учун жуда кўп қулайликларни яратади.

Учинчидан, кўп томонлама тармоқланган транспорт логистикаси ҳамда янги қурилган аэропорт давлатимизнинг муҳим қон томирларига Зомин нуқтасидан боғланиш имконияти нақадар кенглигини билдиради.

Тўртинчидан, ёзда чилла жазирасини кесадиган енгил шабадали кунлари ва қишнинг қаҳратонида ҳам илиқ кунлардан иборат қулай об-ҳаво инвесторларнинг шу ерга назар солишига сабаб бўлади.

Қадрдон Зомин билан танишувимиз 2007 йил Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошчилигида ижодий семинар баҳонасида хушманзара табиатли Ўрикисой бағрига қадам ташлашдан бошланган. Йигирма ёшлар нари-берисидаги биз тенгилар Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Ҳаётхон Ортиқбоева каби устозлар билан турли шўъбаларда маҳорат дарсларида иштирокимиз, барча вилоятлардан келган бўлажак ҳамкасблар билан дўстлашганимиз бугунги кунгача бўлган катта даврнинг метин пойдевори бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ҳанузгача Ўрикисой булоқларидан ижодимиз сув ичиб илҳомланиб туради. Ҳоким лавозимида ишлаган, узокни кўра билган миллатпарвар инсон Шавкат Мирзиёвнинг ижодкорларга қанот бағишловчи бу лойиҳаси дунё даражасида эътироф этгулик ғоялар сирасидан ҳисобланади. Бугунги кунда мухтарам Президентимиз ҳокимлик лавози-

мидан бош вазирлик даражасига, бош вазирликдан президентлик даражасига босиб ўтган мураккаб йўлда томчилаб йиққан тажрибалари нафақат маънавий, ҳарбий соҳалар ривож, балки давлатнинг жон томири – иқтисодни ҳам мустаҳкамлаб бугунги кунларимизни фаровонлаштириб, келажак кунларни ёрқинлаштирмоқда.

2021 йил “Тошкент” Халқаро кинофестивали доирасида қисқа метражли фильмни суратга олиш билан яна ушбу гўшалар бағрига қадам ранжида қилганмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан қайта тикланган ушбу

рот қолдиргани алоҳида эътиборга молик.

Яқинда Зомин бағрида жойлашган “Навоий саноатини ривожлантириш копмлекси” махсус саноат дирекцияси Зомин филиали ҳамда чет эллик инвесторлар томонидан қурилаётган “Зомин технопарки”нинг тўрт юз гектарлик ҳудудларига уч кунлик сафар уюштирдик. Бу ерда кўнгилда ниш отаётган орзуларнинг амалий натижаларини, жамиятнинг иш илнжида юрган қатламига яратилаётган имкониятларни кузатиб, бу замин келажаги нақадар ёрқинлиги кўз ўнгимда бор бўй-басти билан жонланди.

чиқаришни ташкил этиш, алюминий профиллар ишлаб чиқариш, металл конструкциялар ва дренаж учун қувур ишлаб чиқаришни ташкил этиш, “Midea” бренди остида совутгич ва электр газ плиталари ишлаб чиқариш лойиҳаларини ўзида жамлаган икки ёнма-ён гигант Президентимиз июл ойида “Зомин технопарки”га қилган ташрифлари давомида қуриб битказилган маиший техника заводи бир неча юзлаб ишчилари билан тўлиқ қувват билан ишлаётгани гувоҳига айландик. Заовд бир гуруҳ ходимларини меҳнат таътилига кузатаётгани, ўзида ишлаб чиқарилган маиший техникалар билан фаол ишчиларини рағбатлантираётгани, уларнинг юзидаги миннатдорликдан бизда ҳам шукроналик туйғулари ортиди.

Республика миқёсида улкан қудратга эга ушбу саноат зоналари чуқур ўйланган лойиҳалар асосида, илмий институтлар текширувлари ҳулосасини олган ҳолда, ҳудудни стратегик ривожланишида жуда олисни нишонга олиб давлатни обод қилишга йўналтирилган. Саноат зонасининг бир қисмида ходимларнинг малака ошириш маркази ташкил қилиниб, шу ернинг ўзида заводнинг кадрга бўлган талабини қондириб, камбағалликни қисқартириш масаласида устувор мақсадларни амалга оширмоқда.

Саноат зонасида мени энг кўп ажаблантирган ҳолат бу бетондан тайёр уйларнинг ишлаб чиқарилаётгани бўлди. Бизнинг ота-бобимиздан қолган одат бўйича бир уйни қурилишидан тортиб то бит-гунича йиллар сарф бўлган бўлса, эндиликда бир ҳафтада ҳар томонлама мукамал уй қуриш имкони пайдо бўлмоқда. Бу тежамкор уйлар айниқса, қишлоқ жойларда жуда зарур.

Энди янгиликларни қўшни саноат зонасидан, ўзимизнинг миллий бренд “Артел” заводи филиали ўлароқ очилаётган ярим автоматика

Охирги ўн йилликка ҳолис назар ташланса, конвертация борасидаги янгиликлар, метрополитен қурилишидаги ўзгаришлар кўпчиликка енгиллик яратиш билан бирга одилликни, шаффофликни юзага чиқарди. Юртда бундай яхши ўзгаришлар жуда кўп. Биз ижодкорлар ҳам маиший ҳаётимиздан ортиб, ана шундай кенг кўламли яратишларни халққа етказишда, уларни кучли шахс атрофида жипсликка чорлашда жонбозлик қилишимиз жоиз.

фестивалда Эстониядан ташриф буюрган бир гуруҳ киночи ёшлар билан Жиззахга борганимиз бениҳоя яхши хотираларга бой. Кино сюжети сув бўйидаги манзараларни ўзида акс эттиргани учун гуруҳ аъзолари бир нечта сув ўзанларида суратга олиш ишларини олиб бордик. Кинофестивал талабларини бажаришда вилоят ҳокимияти бошқа вилоятларга ўрнатилган ҳолда ижодий гуруҳ ишини енгиллатишда, натижадорликда муҳим рол ўйнаган. Дунёга машҳур Кавказ кабоқларидан, Туркия таомларидан қилишмайдиган Зоминнинг миллий ва ёқимли ошхонаси меҳмон ижодкорлар қалбида олам-олам таассу-

Сафар давомида саноат зонасининг ҳар бир қарич ери ҳақида эринмай тўлқинланиб сўзлаши, қарда кичик электр станция, қаерда сувни филтрлаш жойи, қаерда меҳмонхона қурилаётганини кўрсатаётган Зомин туман ҳокимининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Даврон Каримовнинг қуюнчақлигидан бир томондан ҳокимият вакилларига ишонч ортса, иккинчи томондан юртни бошқарув тизимида мана шундай салоҳиятли кадрлар борлигидан кўнгил қувончга тўлди.

Бугўйдан оқсил ва этанол ишлаб чиқариш, тиббий буюмлар, анжомлар, шамол парраги ишлаб

кир машиналари ишлаб чиқарилиши кутилатган заводдан эшитсак. Сентябрь ойида тўлиқ қувват билан иш бошлайдиган ушбу корхона мингдан ортиқ кишини иш билан таъминлаши ва миллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириши билан таҳсинга сазовор. Корхона раҳбариятининг таъкидлашича, ҳудуднинг эллик километрлик радиусида ишчиларга тайёр автобус хизмати йўлга қўйилади. Сирдарё вилоятининг Зоминга чегарадош Ховос, Сардоба туманларидан ҳам ишчилар жалб этилиб, йилма-йил малакаси оширилиб бориши кўзда тутилган. Раҳбаридан тортиб оддий ходимигача ўзимизнинг қорақўзлар – ўзбекларимиз эканлигини кўриб, кўнгилда фахр туйғулари жўшқинланади. Бугунги кунда биз аждодлардан қолган мухташам биноларга

(Темур қурган мадрасалар, Шароф Рашидов қурдирган меҳмонхоналар, театрлар) маҳлиё қараб ғурурланганимиз каби орадан юз йиллаб вақт ўтиб келажак авлодлар Жиззахнинг юрак тўри бўлган Зомин заминидаги бу қудратли заводларга маҳлиё бўлиб термулса, ажаб эмас. Бутун бошли яратувчанлик иштиёқида ёнган миллатнинг бошини бир қилган юртбошимизнинг эзгу ишлари қаторида бу корхоналар ҳам зарҳал тарихнинг бир қисми бўлишига ишончим қомил. Охириги ўн йилликка холис назар ташланса, конвертация борасидаги янгиликлар, метрополитен қурилишидаги ўзгаришлар кўпчиликка енгиллик яратиш билан бирга одилликни, шаффофликни юзага чиқарди. Юртда бундай яхши ўзгаришлар жуда кўп. Биз ижодкорлар ҳам маиший

ҳаётимиздан ортиб, ана шундай кенг қўламли яратишларни халққа етказишда, уларни кучли шахс атрофида жипсликка чорлашда жонбозлик қилишимиз жоиз.

Зомин ижодий семинаридан парвоз қилган қушчалар каби ижодкорлар республиканинг турли томонларига ёйилиб йўлларида эзгулик сочиб юргани каби вақти келиб кучли тадбиркорлар ҳам ушбу заминдан дунёларни забт этишади. Қадим китобларда учрайдиган Қизилсой, Қангли, Ёйилма, Қудукча, Лайлақуя, Боймоқли, Кўрпасой, Сўлоқли, Ўсмаат каби номли қишлоқларни бирлаштирган Зомин тоза ҳаво, танга даво истовчи маҳаллий туристларнинг энг кўп ташриф буюрадиган марказига айланганидек вақти келиб бутун дунё туристларнинг ҳам энг севимли марказига айланса, ҳеч ажаблан-

майман. Бу янги Ўзбекистонимизнинг янги ғалабаси, янги зафари бўлажак. Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида ушбу сатрларни битаётимиз барча-барча заҳматкаш, меҳнаткаш халқимизни барча соҳаларда янгиликка йўлдош бўлишини тилаб қоламан. Юртбошимиз томонидан илгари сурилатган “Ислохотлар штаби”, “Инновацион туман”, “Келажак мактаби”, Мономарказ, “Ғояларни тирилтирамиз” ва шу каби янги иборалар, шиорлар остида қанчалар залворли юк борлигини барча бирдек англаб, ёруғ манзилларни кўзлаб, фарзандлари камолидан қўнгли тўқ яшаётган аҳолимиз бахтига жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллиги абадий бўлсин!

Ўзбектош ТЎРАХОНЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Ёшлар Ватани

Хабарингиз бор, 2025 йилнинг 9 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Охириги 7 йилда қабул 4,5 баровар ошиб, ёшларнинг олий таълим билан қамрови 42 фоизга етган бўлса-да, кадрлар тайёрлаш тизими реал эҳтиёжга мос эмаслиги айтиб ўтилди. Олий таълимда ўқитиладиган кадрлар билан иш берувчилар талаби ўртасида катта фарқ борлиги таъкидланди.

Президент яна бир муҳим ташаббусни илгари сурди. Олий маълумотли бўлишни истаган абитуриентлар ҳужжат топширишда 5 тагача олий таълим муассасасини танлашаётгани ёшлар учун жуда катта имконият. Бу йилдан бошлаб эса, ўқишга киролмаган абитуриентнинг жами йиғган баллари бошқа олий таълим муассасасидаги тўлмаган йўналишга тўғри келса, улар шартнома асосида қабул қилиниши мумкинлиги қайд этилди.

Авалги ёшлар ҳаётида бундай эътибор ва имкониятлар кузатилмаган. Ёши улуг кишилардан сўрасангиз, университет, институт, ҳаттоки техникумларга киришда ҳам талайгина муаммолар бўлганлигини афсус билан гапириб беришади. Ишга жойлашиш ҳам кўпгина қийинчиликлар туғдирган. Йўлини топиб, таниш-билишчилик ёки “чўнтак қовлаш” орқали ишга жойлашсанг, жойлашдинг, бўлмаса, катта қўча, деган иддаоларга дуч келинган.

Олий мактабга ҳужжат топшириш мақсадида олис шаҳарга йўл олган абитуриент анча-мунча ғовларга дуч келган. Афсуски, ҳар хил баҳоналар билан ҳужжатлардан камчилик топиб, ортга қайтаришган пайтларнинг ҳам гувоҳи бўлганмиз. Арзимаган имзо ва муҳр учун бир неча кунлаб йўл юриб, қишлоғига ёки яшаш жойига қайта-қайта бориб келганлар ўша ҳолатларни ачиниш билан эслашади.

Билими бўла туриб, ўқишга киролмаганлар адолатсизлик жабрини тортишган. Кўпчилик учун талаба бўлиш армон бўлиб қолган...

Не бахтки, Президентимизнинг эътибори тўғрисида сўнги 7-8 йил ичида олий таълим тизими

М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети-нинг Тошкент шаҳридаги филиалида таҳсил олаётган талабаларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун барча шарт – шароитлар яратилганлигидан ёшлар мамнун. Олий маълумотли мутахассис дипломига эга бўлган битирувчиларимиз фаолиятидан ҳам университет раҳбарияти хабардор. Не бахтки, ёш кадрлар ўзлари қизиққан соҳаларда ишлашаёпти.

ми ижобий томонга тубдан ўзгарди. Эндиликда абитуриентларнинг деярли барчаси ўзи истаган, ўзи орзу қилган олий таълим муассасасида таълим олишаёпти. Жаҳондаги энг нуфузли университетларда таҳсил олаётган талабалар сафи кенгаймоқда. Дунё фан олимпиадаларида ғолиблик қилаётган ёшлар юртимиз бахти ва фахри ҳисобланишади.

Сўнгги йилларда ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча соҳадаги меҳнат бозорида кучли рақобат бўлсада, ўз соҳасининг билимдони бўлган мутахассисга талаб катта.

Президентимиз томонидан олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари борасида ўтказилган йиғилишда йигит-қизларни фақат дипломли бўлиши эмас, балки, уларнинг ўзлари орзу қилган, ўзлари қизиққан соҳада фаолият юритиши, уларни ўзлари меҳнат қилаётган жамоада оддий ходимликдан раҳбарлик даражасигача кўтарилиши учун барча имкониятлар яратиш таъкидланди.



Шуни мамнуният билан айтишимиз жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз илм-фан тараққиётидаги ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бераёпти.

М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети Тошкент шаҳридаги филиалида таҳсил олаётган талабаларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун барча шароитлар яратилганлигидан ёшлар мамнун. Олий маълумотли мутахассис дипломига эга бўлган битирувчиларимиз фаолиятидан ҳам университет раҳбарияти хабардор. Не бахтки, ёш кадрлар ўзлари қизиққан соҳаларда ишлашаёпти. Масалан, биргина 2023-2024 ўқув йилида 190 нафар битирувчилар турли йўналишлар бўйича бакалаврият дипломига эга бўлишди. Уларнинг аксарияти ўз соҳаларида ишлашаёпти. 2024-2025 ўқув йили битирувчилари эса айтиш кунларда дипломларини олиб, ишга жойлашишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг ўқиши ва бандлигини таъминлашга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги, улар учун яратиб берилаётган қулай шароит ва имкониятлар ҳар бир ўғил-қизни ўқишга ва меҳнат қилишга бўлган иштиёқини оширади, албатта.

Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ,
МДУнинг Тошкент шаҳридаги филиали
раҳбари ўринбосари

Бугун Ўзбекистонда маданий меросимизни ўрганиш, хорижий мамлакатларда сақланаётган Ўзбекистонга оид меросни тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Айни пайтда олимлар ва мутахассисларимиз хорижий мамлакатлардаги музей ва кутубхоналар, шахсий коллекцияларда сақланаётган нодир дурдоналарни излаб топмоқдалар.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази делегацияси таркибида 2025 йилнинг 11-13 август кунлари Эрон Ислом Республикасида бўлиб қайтдик. Сафар давомида турли учрашувлар, мулоқотлар бўлиб ўтди, самарали келишувларга эришилди.



МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАЛАРИ

Эрон кутубхонасида Ўзбекистон хонаси

Эрон Миллий кутубхонаси мамлакатнинг йирик маданий марказларидан бири. 1935 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган ушбу зиё масканида 10 миллиондан ортиқ қўлёзмалар, тарихий ва замонавий китоблар, архив ҳужжатлари, газета ва журналлар сақланади.

Эрон Миллий архиви ва кутубхонаси раҳбари Ғуломризо Амирхоний ўтган йили август ойида “Буюк аждодлар мероси – янги ренессанс асоси” мавзuida Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конгрессда иштирок этаркан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази учун алоҳида хона ажратилишини билдирган эди. Сафар асносида Эрон Миллий кутубхонасида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази хонасининг очилиш маросими ҳам ўтказилди.

Онлайн тарзда ўтган мулоқотда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухолиқов, Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фариддин Насриев, Эрон Миллий архиви ва кутубхонаси раҳбари Ғуломризо Амирхоний, шунингдек, кутубхона ва Марказ ходимлари иштирок этди.

Ғуломризо Амирхоний Ўзбекистон билан муносабатлар кундан-кунга юксак босқичга чиқаётганини юқори баҳолаб, “Ўзбекистонлик ҳамкорларимизга муштарак меросимизни, бу ерда сақланаётган Ўзбекистон билан бевосита алоқадор бўлган осори-атикалар билан сизларни таништиришдан бағоят мамнунмиз. Икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатлари самараси ўларок бугун кутубхонамизда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази хонаси очилаётгани ҳам асрий дўстлигимизнинг яққол тимсолидир” – дея таъкидлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фариддин Насриев сўзга чиқиб, бу каби илмий

учрашувлар ва мулоқотлар маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлигимиз ривожига катта ўрин тутишини қайд этди.

– Ўзбекистоннинг маънавий-маданий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида дунёдаги бир неча нуфузли Миллий кутубхоналар ва музейларда ҳам Марказнинг алоҳида хоналарини ташкил этиш режалаштирилган. Қатар, Туркия, Бирлашган Араб амирликлари каби давлатлардаги миллий кутубхоналар ва музейлар билан ҳамкорлик музокаралари олиб борилмоқда. Эрон Миллий кутубхонасида илк бор Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази хонасининг очилиши ҳам хурматли Президентимизнинг Марказ олдида қўйган вазифалар ижросида яна бир муҳим қадам бўлди, – деди Марказ директори Ф.Абдухолиқов.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи асосида нашр этилган “Қатга Лангар Куръони”нинг факсимиль нусхаси Эрон Миллий архиви ва кутубхонасига топширилди.

Буюклардан қолган бебаҳо мерос

Тадбир иштирокчилари Эрон Миллий кутубхонасида ташкил қилинган Ўзбекистон маданий меросига оид қўлёзмалар кўргазмаси билан ҳам танишдилар. Кўргазмада Алишер Навоийнинг терма девони, Ҳофизи Абрўнинг “Мажмаъ ут-таворих” Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” сингари асарлари намойиш қилинди. Мазкур қўлёзмалар саҳифаларида Амир Темурнинг ўғли, Шохрух Мирзо дастхати ҳам ўрин олгани алоҳида эътибор касб этади.

Шу куни Техрон шимолида, Дамованд тоғи этакларидаги Саъдобод мажмуасига йўл одик. Ушбу мажмуа ўтган асрнинг 70-йилларига қадар паҳлавийлар сулоласи расмий қароргоҳи вазифасини бажарган. Айни пайтда мажмуа таркибидаги саройлар турли мавзуларга бағишланган музейларга айлантирилган.

Саъдобод мажмуасидаги Ҳарбий

тарих музейи экспонатлари билан танишиш асносида Эроннинг 3000 йиллик тарихига тегишли бўлган турли кўринишдаги қурол-яроғлар, ҳарбий ҳадялар, саркардаларнинг шахсий буюмларини кўриш мумкин. Шу йилнинг июнь ойида юз берган нохуш воқеалардан сўнг кўплаб музейлар ўз фаолиятини тўхтатиб турган бўлса-да, мазкур музей айнан биз учун ўз эшиklarини очди. Эътиборли томони музейда Соҳибкирон Амир Темурнинг икита шахсий пўлат қиличи ҳам ўрин олган. Бу қиличлар узоқ муддат сафавийлар саройида сақланган. Кейинчалик ўтган асрнинг 80-йилларида бу бебаҳо артефактлар ушбу музейга топширилган.

Шу ерда ўзбекистонлик делегация вакиллари ҳамда Саъдобод мажмуаси, Эрон Миллий музейи раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Саъдобод мажмуаси раҳбари Саид Мухсин Мир, Эрон Миллий музейи директори Жаброил Нокандех, шунингдек эронлик бир гуруҳ олимлар ва мутахассислар иштирок этишди. Учршувда асосий эътибор Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази очилиши муносабати билан ўтадиган халқаро кўргазмада Эрондаги музей ва кутубхоналар иштироки ҳақида сўз юритилди.

Маълумки, жорий йилда Марказ очилиши муносабати билан хорижий тўпламлардан келтириладиган Ўзбекистон маданий меросига оид артефактлардан иборат кўргазма ташкил қилиниши кутилмоқда. Ушбу кўргазмада Эрон Миллий музейидан 20 дан ортиқ артефакт келтирилиши кутилмоқда. Эрон Миллий музейи раҳбари Жаброил Нокандех мазкур кўргазма учун артефактлар рўйхати тасдиқлангани, музей раҳбарияти кўргазмада ўз экспонатларини олиб боришга тайёрилигини билдирди.

Ҳазрат Навоийнинг қадами теккан...

Эрон заминида буюк аждодларимиз номлари ва фаолияти билан боғлиқ қадамжолар кўп. Жумладан, буюк ҳаким Абу

Али ибн Сино умрининг сўнгги йилларини Эроннинг Ҳамадон шаҳрида ўтказган ва шу ерда вафот этган. Айни пайтда Ибн Сино макбараси ҳозирда дунёнинг турли худудларидан келадиган сайёҳлар қадамжосига айланган. Афсуски, сафаримиз давомида буюк ҳаким макбарасига бора олмадик.

Мамлакатнинг Ўзбекистон тарихига алоқадор шаҳарларидан яна бири Машҳаддир. Шаҳар хоразмшоҳлар, темурийлар, шайбонийлар ва бошқа ўзбек сулоалари учун катта аҳамиятга эга бўлган. 1418 йилда Машҳадда Шохрух Мирзо хукмронлиги даврида Гавҳаршодбегимнинг шахсий маблағлари ҳисобидан йирик жомеъ масжиди бунёд этилган.

Гавҳаршодбегим (1378-1457) Темурийлар тарихида катта таъсир кучига эга бўлган аёллардан бири, Соҳибкирон Амир Темурнинг оила келини, Шохрух Мирзонинг суюкли рафиқаси эди. У Хуросонда жуда кўп бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган. Гавҳаршодбегим масжиди нафақат ушбу мамлакат, балки Ислом оламининг энг гўзал ва бетакрор обидаларидан бири саналади. Имом Ризо мажмуаси таркибидан ўрин олган бу масжидда олти асрдан бери мусулмонлар узлуксиз тарзда ўз ибодатларини адо этиб келишади.

Бундан ташқари Имом Ризо мажмуасидаги Инқилоб майдони худудида буюк мутафаккир Алишер Навоий томонидан махсус айвон қурилган.

Маълумки, Алишер Навоий бу шаҳарда маъмул муддат яшаган, таҳсил олган. Кейинчалик Машҳадда бир қатор қурилиш ва ободончилик ишларини амалга оширган. Навоий кўрсатмасига биноан, Имом Ризо макбарасининг қаршисида зиёратчилар учун алоҳида айвон қурдирилган. Аммо орадан вақт ўтиши билан мажмуа таркибидаги айвон, хонақоҳ ва макбараларга жиддий шикаст етган. Афшарлар ҳукмдори Нодиршоҳ 1734 йилда Алишер Навоий томонидан қурилган ушбу айвонни таъмирлатиб, унинг юзасини олтин қопламалар билан зийнат-

лайди. Шундан сўнг бу айвон халқ орасида “Нодиршоҳнинг олтин айвони” деб ном олади.

Сафар давомида ушбу тарихий обидалар, Остони Қудс кутубхонасидаги Ўзбекистонга оид қўлёзмалар ва ҳужжатлар билан яқиндан танишдик. Кутубхонада Алишер Навоий меросига оид ўнлаб қўлёзмалар, темурийлар даврида кўчирилган Қуръон қўлёзмалари, бетакрор миниатюралар сақланади. Бизга бу ерда Хива хони Абулғози-хон V имзолаган фармоннинг асл нусхасини ҳам кўрсатишди.

Тенгсиз ҳикмат ва чексиз тафаккур ватани

Эрон чиндан ҳам буюк тарих, маънавий камолот, нодир обидалар диёри. Йўл-йўлакай Тус шаҳрида буюк шоир Абулқосим Фирдавсий мақбараси зиёрати ҳам эсда қоларли бўлди.

Фирдавсий — Шарқ адабиёти-

нинг буюк сиймоси, “Шоҳнома” достонининг муаллифи сифатида жаҳонга танилган. Унинг ҳаёти ва ижоди Эрон халқининг тарихи, маданияти ва миллий ўзлиги билан чамбарчас боғлиқ. Фирдавсийнинг бебаҳо меросига бўлган ҳурмат ва эътибор унинг вафотидан кейин ҳам асрлар давомида сақланиб қолган. Ушбу эътиборнинг ёрқин намунаси сифатида Фирдавсий мақбарасини келтириш мумкин.

Фирдавсий мақбараси Эроннинг Хуросони Разавий вилоятидаги Тус шаҳрида жойлашган. Ҳозирги кўриниши XX асрнинг биринчи ярмида архитектор Ҳушанг Сайхун томонидан яратилган.

Мақбаранинг архитектураси ўзига хос ва бетакрордир. Унда қадимги Эрон меъморчилиги унсурлари, шунингдек, замонавий услублар уйғунлашган. Мақбара асосий бино, боғ ва музейдан иборат. Асосий бино — оқ мрамрдан

қурилган тўртбурчак шаклидаги иншоот бўлиб, унинг усти гумбаз билан қопланган. Унинг ташқи ва ички деворлари “Шоҳнома”дан олинган, настаълик ёзувидаги сатрлар билан безатилган. Гумбазнинг ички қисми ҳам нақшлар ва безаклар билан безатилган бўлиб, улар Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижодини, “Шоҳнома” қаҳрамонларини акс эттиради.

Мақбаранинг атрофи гўзал боғ билан ўралган. Боғда турли хил гуллар, дарахтлар, мрамар йўлаklar ва ҳовузлар мавжуд. Бу ерда сайёҳлар ва зиёратчилар дам олишлари, Фирдавсий руҳига ҳурмат бажо келтиришлари мумкин. Мақбаранинг ёнида Фирдавсий музейи ҳам жойлашган. Музейда “Шоҳнома”нинг қўлёзма нусхалари, Фирдавсий ҳаётига оид ҳужжатлар ва тарихий экспонатлар намоиш этилади.

Мақбара ҳудудида ташкил қи-

линган кичик анжуман чоғида “Шоҳнома”дан парчалар ўқилди, илмий мулоҳазалар билдирилди. “Шоҳнома” ва ўзбек адабиёти, туркий ҳукмдорларнинг бу улуг шоирга муносабати хусусида ҳам суҳбатлашдик. Зотан, темурийзода ҳукмдорлар “Шоҳнома”ни қайта-қайта кўчиртиришган, рассомларимиз ушбу шоҳ асарга ўнлаб сара миниатюралар ишлашган. Алишер Навоий сингари шоирларимиз ўз асарларида Фирдавсийнинг буюк даҳоси ва фасохатини таъриф тавсиф қилишган.

Мақбарадан унча узоқ бўлмаган ердау Ҳоруния хонақоҳи жой олган. Гарчи бу обида номи аббосийлар халифаси Ҳорун ар-рашидга бориб тақалса-да, у XV аср бошларида Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги пайтида қурилган. Мажмуа таркибида мадрасаси ҳам бўлиб, у бир пайтлар, Салжукийлар даврига тегишли бўлган Низомия мадрасаси ўрнида қад ростлаган. Мадраса ва хонақоҳ асрлар давомида Тус шаҳридаги маърифат ва маънавият даргоҳларидан бўлиб келган.

Албатта муштарак тарихимизнинг ҳали биз билмаган яна қанчадан-қанча сир-синоатлари яширин. Аммо, табиийки, бу синоатларни англаш, ҳис қилиш учун бу афсонавий диёрга қисқа муддат кифоя қилмайди. Шу боис яна шундай сафарлар насиб этсин, деган мақсадда Ватанга қайтдик...

Рустам ЖАББОРОВ



МУНОСАБАТ

Ҳамкорликдаги ҳаракат — муаммоларга ечим

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Пировардида халқимизга муносиб хизмат кўрсатиш, ишончни оқлаш ва адолат тамойилларига таянган ҳолда соҳа фаолиятини йўлга қўйиш масъулларнинг асосий бурчи ва умумий мақсадига айланди.



Бунда айниқса, жамиятимиз ривожига тўсиқ бўлаётган жиддий муаммолардан бири коррупцияни олдини олиш ва йўқ қилиш долзарб саналади. Шу сабабли, Самарқанд вилоятида ҳам ушбу иллатга қарши муросасиз курашиш, барча тиббиёт муассасалари фаолиятида очиклики таъминлаш ҳамда инсон омили билан боғлиқ салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Коррупцияга қарши курашиш — умуммиллий вазифа, ҳар бир юртдошимизнинг виждон иши. Коррупцияга жамият танасидаги саратон сифатида қараш керак.”

Бинобарин, ҳар бир тиббиёт ходими, ҳар бир

муассаса раҳбари ўз масъулиятини чуқур ҳис қилиб, шаффофлик ва ҳалолликни бош мезон қилиши зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳам айрим муассасаларда бюрократик тўсиқлар, манфаатлар тўқнашуви, таъмагирлик каби ҳолатлар кузатилмоқда. Бу эса фуқароларимизнинг тиббиётга бўлган ишончини синаб қўяди.

Шу боис, вилоятимизда ҳам тиббиёт тизimini рақамлаштириш, ишга қабул қилишни шаффофлаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, очик маълумотлар платформасини кенг жорий этиш каби чора-тадбирлар йўлга қўйилди. Жумладан, ягона тиббиёт ахборот тизими (DMED) орқали тизимли мониторинг ишга туширилди. Шунингдек, ситуацион марказ орқали бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат кучайтирилди. Ходимларни танлов асосида ишга қабул қилишда автоматлаштирилган тизим синовдан ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, раҳбар-кадрлар, шифокорлар, бухгалтерлар, ҳамширалар ва бошқа мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини

мукаммаллаштиришга қаратилган ўқув курслари ташкил этиляпти. Бу борада бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Негаки, тизим мутасаддиларига юклатилаётган ишонч ва масъулиятни оқлаш учун жамоатчиликнинг фаол иштироки зарур.

Шуларни инобатга олган ҳолда фуқаролар тиббиёт муассасалари фаолиятида коррупциявий ҳолатлар, қонунга зид хатти-ҳаракатларга дуч келган вазиятларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «1203» қисқа алоқа рақами ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 66 234 99 64 рақамли «Ишонч телефони», (99) 735 51 56 рақамли расмий телеграм боти ишга туширилган. Натижада барча мурожаатлар батафсил ўрганилиб, амалдаги қонунчилик доирасида тегишли чоралар кўрилиши таъминланади.

Тизимдаги муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш, фуқароларга муносиб хизмат кўрсатиш фақат биргалликдаги ҳаракатга чамбарчас боғлиқ.

Суҳроб ЗАЙНИЕВ,
Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш
бошқармаси бошлиғи

Бугун мамлакатимизда халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган улуғвор ғоя асосида эзгу ташаббуслар илгари сурилмоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш, халқни рози мақсадида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда юксалиш кўзга ташланмоқда. Жумладан, Тошкент амалий фанлар университетида ҳам ватанпарвар, юрт келажагига камарбаста ёшлар тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шубҳасиз, бу каби имкониятларнинг асосий мезони — юрт мустақиллигидир.



*Озодлик деб аталмиш лазиз неъмат
боқий бўлсин, ҳар бир хонадонда
истиқлол тафти намоён бўлаверсин!
Энг улуг, энг азиз шодиёна барчангизга
муборак бўлсин!*

**Тошкент амалий фанлар университети
жамоаси**

XalqBanki
since 1875

Халқ банки Ургут ягона касса маркази

Барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 34 йиллик тўйи


билан қизгин муборакбод
этади. Давлатимиз равнақи,
юртимиз ободлиги
йўлида олиб бораётган
ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз!



Самарқанд шаҳридаги YATT Radjabov Kozimbek Furqat o'g'li boshliq tadbirkorlar jamoasi

Сиз, азиз юртдошларимизни мамлакатимиз
Мустақиллигининг 34 йиллиги байрами билан
табриклайди. Истиқлолимизнинг қутлуг
шодиёнаси кенг нишонланаётган ушбу файзли
кунларда барча ватандошларимизга мустаҳкам
соғлиқ, бахт-саодат, озод ва ҳур давлатимизнинг
янада равнақ топиши йўлидаги эзгу ва шарафли
ишларингизда улкан омадлар тилайди.





(Боши 1-саҳифада)

Меҳнатдан келмаса бойлик...

“... Фалон туманда мансабдор шахс хўжалик ерини ноқонуний равишда кимнингдир номига ўтказиб бермоқчи бўлаётганда қанчадир минг доллар билан қўлга тушди”. “Мактаб ўқувчилари битирув кечасига бағишлаб уюштирилаётган базм харажатларига ишлатиш учунга катта миқдордаги пулларни ўғирлади...”. “Аёл кўшнисининг уч ёшли қизи қулоғидаги тилла зирагини алдаб олиб қўймоқчи бўлганда қаршилиқ қилгани учун бошига ғишт билан уриб ўлдириб қўйди...”. “Газдан ноқонуний фойдаланиш орқали 1 миллиардан сўм миқдорда зарар етказди...”. Бу каби хабарлар кети узилмайди. Қанча одам тақдири суд, қамоққа бориб тақалаётир... Энди вақтни ортга қайтариш имкони йўқ, “кўприкларни ёкиб юборишган” ўзлари.

«ОЛТИН ТАЛВАСАСИ»

Бу каби хабарлар бир кунда неча марталаб расмий каналлардан тўхтовсиз келиб турибди. Жиноятлар турли шахслар (оддий ишчидан тортиб ваколатли давлат органлари ходимларигача) томонидан, турли вазият ва ҳолатларда юз бераётган бўлса ҳам мазмун-мақсади бир хил – жиноят қилиб (ҳатто кимнингдир ҳаётига зомин бўлиб) пул, бойлик оттириш. Улар ўз ҳаётигагина эмас, жамиятга ҳам дарз етказаяпти.

Том маънодаги олтин васвасаси ўзимизда ҳам учраб турибди. Маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги кўплаб олтин конларида Навбахор, Томди, Учқудук, Хатирчи, Оҳангарон, Қўшработ туманларида ноқонуний тартибда олтин изловчиларнинг қанчаси фалокатга учраган. Вақтинча фаолияти тўхтатилган, ёпилмаган конлар ҳудудида казиш ишлари давомида техника хавфсизлигига риоя этмаслик сабабли ер ўпирилиши, газдан заҳарланиш ҳолатлари кўп бўлган. Кимлар ногирон бўлиб қолган, бошқа бирлари аянчли ўлим топган. Бир йилда йигирмага яқин ёш йигитларнинг ҳаёти шундай фожеа билан якун топгани ҳар қандай кишини сергак торттиради. Нахотки, одам била туриб бойлик учун шундай хатарга боради?

**Таянч маънавиятда,
нажот билимда**

Тез ва осон бойиб кетиш истаги баъзи инсонларни хатарли вазиятга, жиноятга ундаётгани боис уни васваса сифатида талқин этаеп-

миз. “Бойлик васвасаси” иборасини носоғлом шов-шув уйғотиш, ҳашаматга, моддий бойликка муккасидан кетиш деб англаш мумкин. Сўзимиз аввалида пул, аниқроғи унинг вазифаси, иқтисодий муносабатларда бир восита эканлигини бежиз эсламадик. Пул, бойлик агар инсон ҳаётининг асосий асосий диққат марказига, мақсадига айланса, қадриятларни, муносабатларни, маънавиятни, ҳатто жисмоний ва руҳий ҳолатни емирувчи кучга айланади, деб таъкидлайди мутахассислар.

“Маънавият бир четга суриб қўйилса, янги бойлар хайр-саховат, мурувват йўлини қўйиб, хою ҳавасга, тутуриқсиз харажатларга бериладилар, бемаъни урф-одатларни ўйлаб топадилар ва шу ишлари билан ном қозонадилар. Дунё дунё бўлиб пул, бойлик юзага келганидан бери ҳеч бир бойвачча “Бўлди, мол-мулким ошиб-тошиб кетди, бошқаларга ҳам қолсин”, деган эмас. Маънавиятли киши, агар унинг атиги бир кунлик ризкидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаса ҳам, шукр қилади. Шу ризқни оғзига солаётиб, бошқалар тўғрисида ҳам ўйлайди.

Биз бойликни қора бўёқда тасвирламоқчи эмасмиз. Ҳалол меҳнат, тадбиркорлик, фидойилик билан топилаётган маблағ оила, эл-юрт фаровонлиги, хайрли ишларга йўналтирилганда тафаккурда бутунлай бошқача мазмун-моҳият касб этади. Яъни унга эришиш борасидаги қарашларимиз, муносабатимиз ижобий тус олади. Халқимиз айтганидек: “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”.


Рустам БОЙТЎРА

**«ТАЙЛОҚ АГРО ФЕРМЕР» МЧЖ
ЖАМОАСИ**

*Сиз, азиз юртдошларимизни
мамлакатимиз*

**Мустақиллигининг
34 йиллиги байрами**

*билан табриклайди. Истиқлолимизнинг
қутлуг шодиёнаси кенг нишонланаётган
ушбу файзли кунларда барча ватандошларимизга
мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, озод ва
хур давлатимизнинг янада равнақ топиши
йўлидаги эггу ва шарафли ишларингизда
улкан омадлар тилайди.*



**«Олмалиқ
кон-металлургия комбинати»
акциядорлик жамияти
ходимлари Касаба уюшмаси
Кенгаши**

Ўзбекистон аҳлини юксак ғурур
ва ифтихоримиз рамзи —
Ватанимиз мустақиллигининг
34 йиллиги муносабати билан
муборакбод этади.

Жаҳон узра ўзига хос шахдамлик
ва дадиллик билан обрў эътибор
қозонаётган юртимизда тараққиёт
юксалаверсин. Янги Ўзбекистонимизда
кўзга ташланаётган, ҳар соҳада рўй
бераётган янгиланишлар яқдиллик
туфайлидир. Мана шундай тараққиёт
ва бирдамликка сабаб бўлаётган
Истиқлолимиз қуёши
мангу порласин.

***Яна бир бор,
байрам муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!***





МКВАНК

**«Микрокредитбанк»
акциядорлик-
тижорат банки
жамоаси**



*барча юрtdошларимизни эркинлик ва озодлик,
бахт ва фаровонлик омили ҳисобланмиш
мамлакатимиз мустақиллигининг*

34 йиллиги

билан муборакбод этади.

*Жонажон диёримизнинг ҳар бир гўшаси тароват
ва файзга буркансин. Умр йўлларингиз чарогон,
йўлларингиз равон, турмушингиз фаровон
бўлаверсин!*



ЖОНЛИ БУРЧАКЛАРГА «ҚОН» КЕРАК

Ёдингизда бўлса, авваллари боғча ва мактабларда жонли бурчаклар бўларди. Унда турли қушлар, экзотик жониворлар парваришланиши билан бирга улар ҳақида қисқача маълумот ва қизил китоблар қўйилиб, бу ўқувчиларнинг жониворларга нисбатан қизиқиш ва меҳрини оширишга, биохилма-хиллик борасидаги тушунчалари шаклланишига сабаб бўларди. Кейинчалик мазкур жонли бурчакларга анча илгариги қўшимча ҳўжаликлар каби ортиқча юмушдек қарала бошланди.

Масъулиятсизлик туфайли қушлар ва жониворлар етарлича парваришланмади. Уларнинг бевакт нобуд бўлиши жонли бурчаклардан бутунлай воз кечишга олиб келди. Айнан мана шуни мактаб ўқувчиларининг табиат ва экология йўналишидаги билимлардан узилишининг бошланиши десак бўлади. Тобора камайиб бораётган, йўқолиб кетиш хавфи остидаги жониворлар тўғрисида зоология фанида китобдан маълумот олган ўқувчилар, нари борса йилда бир хайвонот боғига борган. Бу эса уларнинг жониворларга бўлган меҳр-муҳаббатини анчайин пасайишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Кейинроқ жонли бурчак ўрнида яшил бурчаклар ташкил қилинди деб ўзимизни-ўзимиз юпатган бўлдик. Аслида бу яшил бурчакларда нималар бор эди? Бир неча турдаги хона гуллари. Агар ўша яшил бурчакларда ҳам ўлкамизда ўсувчи, табиат ва инсон саломатлиги учун фойдали бўлган дарахтлар ниҳоли, шифобахш ўсимликлар жамланганда эди ёшларнинг бу борадаги билимларини оширишга анча туртки берган бўларди.

Бугун олий маълумотга эга бўлган исталган одамдан худудимизда яшаган қайси жониворлар йўқ бўлиб кетган деб сўраб кўринг. Тайинли жавоб ололмайсиз. Наридан борса интернетдаги мақолаларда қайта-қайта эсланадиган шарқ йўлбарсидан бошқасини мисол қилиб келтира олмайдим. Ёки ўсимликлар борасида мамлакатимизда 577 турдаги доривор ўсимлик мавжудлиги, шундан 250 тури илмий таботбатда ишлатилишини кўпчилик билмайди. Майли, булар тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлмайлик. Аммо бирор хорижлик киши юртимиз табиати ҳақида сўраб қолгудек бўлса, айтишимиз мумкин бўлган энг оддий нарсаларку.

Экологик муаммолар кучайиб бораётган ва уларнинг салбий таъсирларининг олдини олиш борасида улкан ислохотлар олиб борилаётган айти паллада ёшлар ва аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш борасида кўп гапирмоқда. Буни боғча ва мактаблардан бошлаш зарурлиги таъкидланяпти. Хўш, бу ишларни нимадан бошлаш зарур? Тан олишимиз

керак бугунги авлод доимгидек, анъанавий маъруза шаклидаги семинарлар, дарслар ва мулоқотларга қизиқмайди. Уларга аниқ далиллар билан ҳар бир гапимизни исботлаб кўрсата олакгина эътибор қаратишлари, қизиқишлари мумкин.

Қисқа қилиб айтидиган бўлсак, ўқувчиларнинг экологик билимларини ошириш, маданиятини юксалтириш учун албатта ҳар бир мактабда экологик бурчакларни қайта жонлантиришимиз, балки аввалгидан ҳам аъло тарзда ташкил этишимиз зарур.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурининг 16-илоvasи 33-бандида айнан мана шу вазифа “Таълим муассасаларида “Экологик бурчаклар”ни ташкил этиш” белгиланган. Мазкур вазифа ижроси юзасидан қандай ишлар олиб борилаётгани тўғрисида Ўзбекистон Экологик партияси томонидан ўрганиш олиб борилаётгани тўғрисида хабар берилди. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига юборилган сўровга жавобан “барча таълим муассасаларида ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантиришга қаратилган ишлар олиб борилмоқда” мазмунда умумий тушунтириш берилгани айтилган. Мазкур вазифа давлат дастуридан ташқари Президентимиз томонидан жорий йил 15 май куни қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор билан ҳам аниқ кўрсатилган. Англаш мумкинки, бу икки муҳим ҳужжатда белгиланган мазкур вазифанинг бажарилишидан катта натижалар кутилмоқда.

Мамлакат бўйлаб ўтказилган “долзарб 90 кун” доирасида ташкил этилган экологик тадбирлар фаоллик билан ўтказилгани қувонарли. Умид қиламизки, янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрилаётган айти дамда юқорида айтиб ўтилган вазифанинг бажарилишига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Мактабларда экологик бурчаклар ташкил этиш ташаббуси

жаҳон миқёсида ҳам кенг тарқалмоқда ва бу экологик саводхонликни оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёш авлодни жалб этишда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда. Турли давлатларда бу йўналишда турфа ташаббус ва лойиҳалар амалга ошириляпти. Масалан, халқаро даражада фаолият юритаётган Eco-Schools дастури ҳозирги кунда 67 дан ортиқ мамлакатда 50 мингдан зиёд мактабни камраб олган. Бу мактабларда ўқувчилар экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича мустақил таҳлил ва амалий фаолиятларни олиб бориш орқали билим ва кўникмаларни чуқур ўзлаштирмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ушбу дастур доирасида 40 дан ортиқ мактаб фаолият юритмоқда. Мактабларда ўқувчилар билан биргаликда дарахт экиш, чиқиндиларни саралаш, сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу ёшларда экологик маданиятни шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳиндистонда эса ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётган National Green Corps дастури доирасида 120 мингдан ортиқ мактабда экологик клублар ташкил этилган. Ушбу клублар орқали ўқувчилар ҳашаротларни ҳимоя қилиш, табиий бойликлардан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш ва қайта ишлаш жараёнларида иштирок этмоқда. Жанубий Африкада, шунингдек, Eco-Schools дастури орқали шаҳар ва қишлоқ мактабларида экологик таълим фаолиятлари амалга оширилмоқда.

Бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам мактаб худудларида “яшил бурчаклар” ташкил этиш ва уларни таълим жараёни билан боғлаш амалиёти йўлга қўйилган. Масалан, Бали оролидаги Green School мактаби бутунлай табиий материаллардан қурилган биноси ва очик ҳавода ўтказиладиган дарслари билан танилган. Унда ўқув жараёни тўлиқ экологик билимларни амалий равишда сингдиришга қаратилган. Европанинг Барселона, Париж ва Роттердам шаҳарларида ҳам мактаб яйловларини яшил худудларга айлантириш, уларни иқ-

лимга мослаштириш ва болаларни шундай муҳитда ўқитиш орқали табиат билан уйғун ҳаёт тарзини шакллантириш бўйича кенг қамровли дастурлар амалга оширилмоқда.

АҚШнинг Бостон шаҳридаги мактабларда эса махсус “ташқи синфлар” ташкил этилган бўлиб, бу ерда болалар дарсларни очик ҳавода, табиат қўйнида ўтиш имкониятига эга.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, экологик бурчаклар фақат ўқув муҳитини бойитибгина қолмай, балки болаларнинг масъулиятини, амалий кўникмаларини ва экологик дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Ушбу лойиҳаларни янада кенгайтириш, маҳаллий шарт-шароитларга мослаштириш ҳамда таълим тизимига интеграция қилиш экологик барқарорликни таъминлашда муҳим қадам бўлиб ҳисобланади.

Давлат дастурининг 16-илоvasи 34-бандида эса “Мактабгача таълим ташкилотларида “Экологик йўлакчалар” ташкил этиш белгиланган. Бу бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан “Ер-бизнинг умумий уйимиз” дастури доирасида “Яхши-ёмон” дидактик ўйини, “Сайёрамизни асранг” бўяш китоби, “Мактабгача ёшдаги болалар учун тажриба ва экспериментлар”, “Мактабгача таълим ташкилоти худудида экологик сўқмоқ ташкил этиш” ҳамда “Болани беговелда учишга қандай ўргатиш мумкин” номли бир қанча услубий қўлланмалар яратилгани маълум қилинди.

Экологик муаммолар: атмосфера ҳавосининг бузулиши, яшил майдонларнинг етишмаслиги, биохилма-хилликнинг камайиши ҳамда табиий ресурсларнинг тобора қисқариб бораётганини ҳар биримиз ўз ҳаётимизда ҳис қиляпмиз. Буларга қарши курашишда энг биринчи галдаги вазифа экологик маданиятни юксалтириш бўладиган бўлса албатта юқоридагидек ишларни тўхтовсиз кучайтириб боришимиз зарур. Зеро ҳеч ким табиат ва экологиядан айро яшай олмайдим.

Камолитдин РЎЗИМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
юшмаси аъзоси.

МАҲАЛЛАБАЙ ЁНДАШУВИ АСОСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ТАДБИРКОРЛИКДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Янги Ўзбекистон тараққиёт сари юз тутган бугунги кунда, Президентимиз раҳнамолигида халқ фаровонлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда. “Инсон – жамият – давлат” тамойили асосида ҳар бир фуқаронинг ҳаётини яхшилаш, унинг даромад манбаи, касб ва истиқболи бўлиши учун улкан имкониятлар яратилаётгани – бугунги кун ҳақиқатидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бизнинг асосий мақсадимиз – ҳар бир маҳаллага кириб бориб, ҳар бир оилани ўрганиб, уларнинг даромадини ошириш учун манзилли ёрдам бериш!”. Мана шу улуғвор ғоя асосида мамлакат миқёсида янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликка кенг йўл очиш ва томорқалардан оқилона фойдаланиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ана шу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда “Агробанк” АТБ ҳам фаол иштирок этмоқда. Банк фаолияти маҳаллабай ёндашув асосида йўлга қўйилган бўлиб, халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган янги иш услуби барча даражаларда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Кредитлар, лойиҳалар ва яратилган иш ўринлари – рақамлардаги ҳаёт

Агробанкка бириктирилган 1 849 та маҳаллада 6,9 миллион нафар аҳоли, жумладан, 3,3 миллион нафар хотин-қиз истикомат қилади. Банк ушбу хонадонлар билан тўғридан-тўғри иш олиб бориб, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва даромадли фаолиятга кенг йўл очишга ҳаракат қилмоқда.

2025 йилда 128,5 мингта лойиҳага 5,1 трлн сўмлик кредитлар ажратиш ва 394,8 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида

69,5 мингта лойиҳа учун 2,4 трлн сўм кредит берилди. Натижада 236 минг иш ўрни яратилди.

Йил якунига қадар яна 59 минг лойиҳага 2,7 трлн сўм ажратилиши, 158,8 минг иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган. Бу рақамлар ортида ҳақиқий инсон тақдири, фаровонлик сари ташланган амалий қадамлар мужассам.

Сайхунобод тажрибаси – маҳалла ислохотининг намунавий модели

“Сайхунобод тажрибаси” – бу маҳалла даражасида ишлашнинг янги тизими бўлиб, у аҳоли бандлигини таъминлашда ўзини тўлиқ оқлаган. 19 935 та хонадонга 790,5 млрд сўмлик лойиҳа пакети етказилиб, 18,6 минг нафар фуқаро иш билан таъминланади. 73 744

та микролойиҳага 2,8 трлн сўм ажратилиб, 159,4 минг иш ўрни яратилади.

Жорий йилнинг ярмида 66,1 минг лойиҳага 1,7 трлн сўм ажратилиб, 122,6 минг иш ўрни яратилгани мазкур ёндашув самарадорлигини яққол кўрсатмоқда.

Уйчи тажрибаси – тадбиркорлар билан жонли мулоқотлар замини

Тадбиркорликка жалб этишда мулоқот ва ишонч муҳим ўрин тутади. Уйчи тажрибаси айнан шу жиҳатга асосланган. Жорий йил давомида 6 156 та учрашув ўтказилиши, 34 507 нафар тадбиркор қамраб олинishi ва 167 297 нафар доимий иш ўрни яратилиши мўлжалланган. Ўтган 6 ойда 3 084 та учрашув орқали 88,6 минг иш ўрни яратилди.

Ушбу янги мулоқот модели маҳалладаги иқтисодий фаолликни жонлантиришда муҳим воситага айланмоқда.

“Бир контур – бир маҳсулот”: Иxtисослашув орқали барқарор даромад

Бу модель асосида 3 321 гектар ер майдонида 309 та лойиҳа амалга оширилиб,

153,1 млрд сўм йўналтириш ва 7 748 иш ўрни яратиш белгиланган.

Йилнинг биринчи ярмида бу режа тўлиқ бажарилиб, 72,7 млрд сўмлик маблағ ва тўлиқ иш ўринлари яратилди. Бу эса ҳудудлардаги иқлим ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий иxtисослашув самарасини оширмоқда.

Хотин-қизлар ва ёшлар – ислохот марказида

Агробанк хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентнинг 2025 йил 14 мартдаги қарорига асосан 143,6 минг хотин-қизни ишга жойлаштириш топшириғи берилган. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Агробанк томонидан жорий йилнинг январ-июнь ойларида 112,8 минг хотин-қиз бандлиги таъминланди. Шунингдек, ёшлар тадбиркорлиги бўйича “Бизнесга биринчи қадам” ва “Маҳалла лойиҳаси” дастурлари доирасида минглаб ёш тадбиркор ўз бизнесини бошлади.

Agrobank



Томорқа – фаровонлик манбаи

Мамлакатимиздаги 1 849 та маҳалланинг 961 таси юқори даражада иxtисослашган, 555 таси ўрта даражада, 333 таси хануз имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаяпти. Айнан 3-тоифадаги маҳаллаларда помидор, картошка, хурмо, анжир ва бошқа маҳсулотлар етиштириш орқали ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Маҳаллабай ишлаш – янги тизим, янги ёндашув

Агробанк Президент топшириғи асосида маҳаллабай ишлаш тизимини амалга жорий этди. Бош офисда махсус департамент ташкил қилиниб, мутахассислар, маҳалла банкирлари, маҳалла агентлари ишга жалб этилди. Улар аҳоли билан тўғридан-тўғри иш



олиб бориб, ҳар бир хонадоннинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда амалий кўмаклашмоқда.

Қувонарлиси, бу сай-ҳаракатлар сабаб аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотда уларнинг тадбиркорликка бўлган кизиқишлари орқали бизнес лойиҳаларнинг амалиётга тадбиқ этилишига сабаб бўлмоқда. Натижада даромад манбалари ва янги иш ўринлари яратилмоқда.

Банк томонидан маҳалла банкирлари ва маҳалла агентларининг касбий малакасини оширига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда мазкур ходимлар иштирокида назарий, амалий ўқувлар ва тимбилдинг лойиҳалари ҳам ўтказилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Агробанк томонидан йўлга қўйилган тизимли, инновацион ва маҳаллабай ёндашувлар мамлакатимизда аҳоли даромадларини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда муҳим рол ўйнамоқда.

Бу сай-ҳаракатлар – Янги Ўзбекистонда ҳар бир инсон меҳнати, интилиши ва салоҳияти кадрланадиган жамият сари интилиши-мизнинг ёрқин намунасидир.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ





**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
34 йиллиги муносабати билан Самарқанд давлат университети
интеллектуал тизимлар ва компьютер технологиялари
факультетининг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.
Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин.**



— Самарқанд давлат университети муассислигида «Самарқандим» — «My Samarkand» журналининг ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида муҳим воқеадир. 3000 йиллик тарихга эга Самарқанд бундай эътирофга, эътиборга лойиқ.

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин.

Муҳаббат ШАРОПОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони.



Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган 2-сон МКК Масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**Азиз Самарқандликларни,
барча юртдошларимизни, соҳадош қурувчи
бунёдкорларни ватанимиз мустақиллигининг
34 йиллиги билан самимий қутлайди.
Ватан учун, халқ учун, миллат учун
фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган
азиз ватандошларимизнинг ишларига ривож
тилаймиз.**

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш кун

ҲИБСГА ТАШЛАНГАН ҲУҚУҚШУНОС

Ватанимиз тарихига назар солсак, ҳар бир даврда халқи ва юрти учун фидойилик қилган кўплаб халқпарвар аجدодларимиз номини кўраимиз. Бу улугъ сиймолар ўта мураккаб сиёсий вазиятда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маърифий жиҳатдан ортда қолаётган юрт тақдири учун бутун ҳаётини бахшида этган.

Бир даврда янги давлат қуриш, мактаблар, театр, дарсликлар яратишни мақсад қилиб ёшларни Олмонияларга юборишди. Манфур тузум даврида бу катта жасорат эди. Жадидлик ҳаракатида фақат мард ўғлонлар эмас, балки юрт тақдирига бефарқ бўлмаган хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этди. Биринчи ўзбек аёл ҳуқуқшуноси Дилоро Юсупова отаси Собиржон Юсупов билан бирга миллатимиз ҳуқуқшуносларининг биринчи мактабини яратишда жонбозлик кўрсатгани билан тарихимизда ўчмас из қолдирди. Дилоро Юсупованинг ҳаёти отасининг сиёсий қарашли туфайли таъқиб ва қувғинлар билан кечган. У 1922-йили жуда ёшлигига қарамай, Бухоро халқ жумҳурияси томонидан Москвага ўқишга юборилган. У ерда Ўзбек маориф институти қошида таълим олди. 1926-йилда Дилоро Тошкент комсомолининг округ кўмитасида иш бошлади. Айни пайтда у Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) нинг суд бўлимига ўқишга кириб, 1929-йилгача тахсилни давом эттиради ва Самарқандга йўланма билан ишга юборилади. У ерда бир йил давомида сув ҳўжалиги бошқармасида ишлайди.

Дилоро Юсупова Самарқандда Москвадалигидаёқ танишган, бу вақтда ЎзССР Олий суди судяси бўлган наманганлик Мухаммаджон Мўминов (1903-1938) билан турмуш қуради. Дилоро дастлаб Мухаммаджоннинг тавсияси би-



лан аспирантурага тайёрланди. Улар 1931-йили Тошкентга кўчиб келгач, Совет ҳуқуқи илмий текшириш институтига ўқишга кирди. 1934-йил декабрь ойида институтни битириш имтиҳонларини топширгач, йўланма билан Республика прокуратурасига ишга юборилган. Дилоро синов муддатидан сўнг 1935-йилдан Ўзбекистон Республикаси Прокурори ёрдамчиси лавозимида тайинланади. Ёш оила бахтдан сармаст эди. Ишдаги зиддиятлар, ҳасадгўй кимсаларнинг бўҳтонларига қарамай, улар ҳар кун янги-янги ғоялар, асарлар устида баҳслашарди. Уларнинг бағрида фарзандлари Марат ва Сурайё улғаяди. 1937-йил 29-март кун тун алламаҳалида уй эшигини номаълум нусхалар тақиллатишди. Қўлида орденини кўрсатиб, М. Мўминовни “қора қарға” машинасига жойлаб кетдилар. 1937-йил 22-сентябрь кун “халқ душмани” Мухаммаджон Мўминовнинг хотини, эрининг аксилинқилобий фаолиятини яширган, деб 25 ёшли прокурор ёрдамчиси Дилоро Юсуповани ҳам ҳибсга олишган. Унинг 6 ёшли ўғли Марат ҳамда 4 ёшли қизи Сурайё

болалар уйига йўланади. 1938-йил 4-октябрда Мухаммаджон Мўминов 1927-йили Москвада бўлган намоёиш раҳбарларидан деган бўҳтон билан отиб ташланди. Шундан сўнг 1939-йил 14-март кун Дилоро Юсупованинг иши кўрилиб, ЎзССР ЖК 68-моддасида кўзда тутилган жиноят аломатлари топилмади, деган хулоса билан жиноят иши тўхтатилади. 1939-йил 19-март кун ундан тергов вақтида қўлланган қийноқ ва сўроқлар ҳақида ҳеч қачон гапирмаслик ҳақида тилхат олиб, қамоқдан бўшатишган. 1956-йил 2-июн кун сўроқда ҳуқуқшунос олима Хадича Сулаймонова устози Мухаммаджон Мўминов ва Дилоро Юсупова ҳақида шундай дейди: “Мен 1932–1935-йиллари Совет ҳуқуқи институтида ўқиганимда у киши директор эди. М. Мўминовнинг маърузаларини ҳамма севиб тингларди. У ўз вақтида ягона олий маълумотли ўзбек юристи, ҳақиқий олим эди”.

Саидакмал МАМАСОЛИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил тадқиқотчиси



МУСТАҚИЛЛИК САБАБ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК – МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНДИ

Айни кунларда юртимиз бўйлаб “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғоя асосида мустақиллигимизнинг 34 йиллиги кенг нишонланмоқда. Жумладан, жойларда “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Президент қарор доирасида “Она диёр – ранглар жилосида”, “Ватан учун яшайлик!”, “Энг улуғ, энг азиз” каби анъанавий кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Қолаверса, бундай шукуҳли кунларда ҳар бир инсон ўз соҳасида амалга оширилган улкан ислохотларни сарҳисоб қилиб, келгусидаги истиқболли режаларини белгилаб олади. Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси сифатида айтишим мумкинчи мустақиллик Ўзбекистонга фақат сиёсий ва иқтисодий эмас, балки экологик мустақилликни ҳам олиб келди. Давлат равнақи учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш каби масалалар бугун жамият тараққиётининг ажралмас қисмига айланди.

Хусусан, сўнгги йилларда ушбу соҳада қабул қилинган 20 га яқин қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизнинг экология сиёсатида янги босқич бошланганидан далолат беради. Қолаверса, Ўзбекистонда экологик муаммоларга жиддий ва тизимли ёндашув шаклланди. Энг муҳими, бу соҳадаги давлат сиёсати ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини – экологик сиёсатнинг узок муддатли стратегияси дейиш мумкин. Шунингдек, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва таъминот тизимини яхшилашга қаратилган Сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси, чиқиндиларни қайта ишлаш ва йўқ қилишни тизимлаштиришга оид Қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стра-

тегияси ушбу ҳужжатлар ўтган қисқа вақт ичида ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтириш мақсадида охириги уч йилда барча манбалардан 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Ўтган йили Чиқиндиларни

Кейинги беш йилда бу кўрсаткич 120 миллиард киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизга етиши режа қилинган.

Шу билан бирга, электр тармоқларини янгилашга 4 миллиард доллар сармоя жалб қилинади. Бу борада амалий ҳаракатлар бошланиб жорий йилда Самарқандда, келгуси йилдан яна 8 та ҳудудда электр тармоқлари тизими хусусий шерикликка ўтказилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон илк бор “яшил” сертификат ва углерод бирликлари савдосини бошлади. Шу йил глобал углерод бозорларига қўшилиб, “Яшил Ўзбекистон” иқлим инвестици-

2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида иқтисодий ривожланиш ва табиий муҳит ўртасида мувозанат тикланмоқда. Ўтган қисқа даврда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт-соатга етди. Кейинги беш йилда бу кўрсаткич 120 миллиард киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизга етиши режа қилинган.

бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Чиқинди корхоналари учун 1 минг 200 та янги техника олиб берилди. Маҳаллаларда чиқинди майдончалари қурилди. Тўплаш ва ташиб кетиш яхшилангани натижасида бу тармок иккиламчи хомашё манбаига айланди.

Шунингдек, 2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида иқтисодий ривожланиш ва табиий муҳит ўртасида мувозанат тикланмоқда. Ўтган қисқа даврда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт-соатга етди.

ялари платформаси яратилади.

Умуман олганда ушбу концепциялар орқали Ўзбекистон ўзининг экология сиёсатида нафақат муаммоларни бартараф этиш, балки барқарор ривожланишга йўналтирилган моделни амалда қўллашга интилмоқда. Бу жараёндаги энг муҳим жиҳат — экологик сиёсатнинг фуқаро, бизнес, ҳукумат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликда амалга оширилаётганидир. Зеро, соғлом муҳит ва “яшил” тараққиёт – Янги Ўзбекистоннинг стратегик йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Мавлуда АДХАМЖОНОВА,
Қонунчилик палатасининг
Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш масалалари
қўмитаси аъзоси

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Савдо-саноат
палатаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 1600
Пайшанба кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 4 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Ўзбек адабиёти тарихи, халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ миллий маънавий меросимизни Қўрғон достончилик мактабисиз тасаввур қилиш қийин. Шу пайтгача бу мактаб 250 нафарга яқин катта-кичик бахши-шоирларга бешик бўлган. Улар орасида ўзбек халқ оғзаки ижодини ўлмас достонлар билан бойитган Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам бор эди. Қўрғон достончилик мактаби, айниқса, ушбу бахши-шоир ижод қилган даврга келиб машҳур бўлди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли вафотидан сўнг Раҳматилла хатирчилик машҳур бахши-шоир Пўлкан шоирга котиблик қила бошлайди. Пўлкан шоирнинг достончиликда сюжет тузишга жуда усталиги Раҳматиллага кўп жихатдан қўл келади. Лекин у тирикчилик важи туфайли Пўлкан шоир сабоғини кўп ололмаган.

Раҳматилла Юсуф ўғли 1946 йил Самарқандга келади ва у ерда ёзувчи ва шоирлар Мухсинзода, Саид Назар, драматург Исмоил Акрам билан танишади. «Ватан тақдири», «Келдим» каби шеърлари вилоят газетасида эълон қилиниб, мухлису мутахассислар эътиборини қозонади.

«Гўрўғли» туркумидаги 36 достонни ёзиб, институт олтин фондига топширишда бевосита иштирок этади. Илмий ходим сифатида институтнинг фольклор сектори олимлари билан яқин ҳамкорлик қилади. 1975 йили Раҳматилла Юсуф ўғли ва бир гуруҳ бахши, фольклоршунос олимлар тайёрлаган «Тоҳир ва Зухра» китоби 60 минг нусхада чоп этилади. Бу, албатта, фольклоршунослар ва халқ оғзаки ижоди ихлосмандларини беҳад қувонтиради. Китоб 5 алоҳида достон — «Тоҳир ва Зухра», «Суманбар», «Зевархон», «Вомиқ ва Узро», «Гулшоҳ ва Варқа»ни ўз ичига олган.

— Раҳматилла Юсуф ўғли ўз тер-

хам бахши, ҳам достонларни қоғозга туширувчи илмий ходим эди. Бундай хислат ёки имконият ҳамма бахшиларда ҳам учрамайди. Чунки айтувчидан достонни эшитиб, уни қоғозга тушириш ва китоб қилиб тайёрлаш муайян билим ва малакани талаб этади. Бу икки жихат муҳассам истеъдод эгаси китоб тайёрлашда хато ва камчиликларга йўл қўймаслиги шубҳасиз. «Қирқ қиз ва қирқ йигит», «Нуралининг ёшлиги», «Сунбулсоч бека» достонлари 1946-1947 йиллар, қолганлари эса 1964-1966 йилларда оққа кўчирилади. Шоир «Рўзахон», «Ёсқила», «Бозиргон», «Хиромон далли» каби Хоразм достонларини ҳам маромига етказиб қуйлаган.

Раҳматилла Юсуф ўғлининг сермазмун ижоди ва фаолияти фольклоршунос олимларнинг доимий диққат-эътиборида. Айниқса, филология фанлари доктори, профессор Ходи Зариповнинг бу борадаги хизматлари таҳсинга лойиқ. У бахши-шоир ижодининг камол топишига кенг йўл очиб берган, умрининг сўнгги кунларигача Раҳматилла Юсуф ўғли билан ҳамсаф, ҳамкор бўлган.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари иккинчи ярмида ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил адабиёт институти Раҳматилла Юсуф ўғлининг Тўра Мирзаев ва Зубайда Хусайнова нашрга тайёрлаган «Гўрўғли» туркумидаги достонларини 4 жилдда, 2007 йилда лотин алифбосида қайта нашрдан чиқарди.

Раҳматилла Юсуф ўғли асарлари ҳамон ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдоналари сифатида эъзозланиб келиняпти. 2017 йил Қўшработ туманида шоир таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Бунда Қўрғон достончилик мактабини қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган Ойдин Синдоров, юридик фанлар доктори Комилжон Синдоров, профессор Абдулла Насимовнинг хизматлари бекиёс бўлди. Оқтов ва Қоратов оралиғи бахшилар, ёзувчи ва шоирлар макони бўлган. Бугун бу ижод мактаби давом этаёпти, бу заминдан кўплаб таниқли олимлар, жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, ижодкорлар етишиб чиқмоқда.

Президентимиз томонидан бахшичилик санъатини ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармонлар имзоланиши соҳани юксалтиришга кенг имкониятлар очмоқда. Шу ўринда Самарқанд вилоятида бахшичилик соҳасини ривожлантиришга хизмат қилувчи Эргаш Жуманбулбул номидаги фольклор мактабини ташкил этиш, Самарқанд давлат университети филология факультетида фольклор бўлими йўналишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист

Қўрғон достончилик мактаби

эл суйган бахшиларни камол топтирган



Раҳматилла Юсуф ўғли ҳам шу мактабнинг вакили саналади. Раҳматилла Юсуф ўғли 1917 йилнинг 10 мартада Қўшработ туманидаги Қорақисса қишлоғида (Қўрғон ҳам шу қишлоқдан ажралиб чиққан) дунёга келади. Отаси ўз даврининг саводхон кишиларидан бўлган. Ўғлининг саводли бўлишини истаган Қори Юсуф уни 8 ёшида мактабга беради. Ўша пайтда Қорақиссадаги мактабда Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам муаллимлик қилар, ўқувчиларга достон ва маталлар айтиб бериб, араб алифбосида ёзиш ва ўқишни ўргатарди. Раҳматилла Юсуф ўғли бахши-шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли таъсирида 12-13 ёшида достон айтишга қизиқиб қолади. Илк марта «Қора кокил» достонини мустақил айта бошлайди. Мазкур достон аслида халқ эртаги бўлиб, ёш достончи-қиссахон ана шу эртақ сюжети асосида ўзи достон битади.

Буни эшитган Эргаш Жуманбулбул ўғли бўлажак бахши-шоир хонадонига бориб, Қори Юсуфдан ўғлининг иқтидори борлиги ва ўзига шогирдликка беришини сўрайди. Раҳматилла Юсуф ўғлининг фольклор оламига кириши ана шундай бошланган. Эргаш Жуманбулбул ўғли шогирдига достончиликнинг ўзига хос йўл-йўриқлари, халқ оғзаки ижодининг услублари ва достон айтишнинг сир-асрорини кунт билан ўргатади. 1937 йили

Ўша йили Тошкентда санъаткорлар кўриги бўлиши керак эди. Тасодифий бир воқеа билан Раҳматилла Юсуф ўғли нуроталик бахши Бекмурод Жўрабой ўғли билан 17 кун давом этган ушбу кўрикда иштирок этади. Унда халқ бахшилари ҳисобланмиш қашкадарёлик Мардонқул Авлиёқул ўғли ва сурхондарёлик Худойқул бахши биринчи ўринни эгаллайди. Энг қизиғи, совриндорлар ичида бундай нуфузли кўрикларда илк маротаба иштирок этаётган Раҳматилла Юсуф ўғли ҳам бор эди. Унга биринчи даражали диплом топширилади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Раҳматилла Юсуф ўғлининг ижоди Тошкентдаги фольклоршунос олимлар диққатини тортади. Шундан сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти директори Ходи Зарипов, шу институт фольклор секторининг мудир Мансур Афзалов, кўрик хайъатининг раиси Юсуф Султанов унинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишади. Тил ва адабиёт институти илмий ходимлигига таклиф этишади. Бахши-шоирнинг «Қора кокил», «Суманбар», «Қирқ йигит ва қирқ қиз» каби достонлари ёзиб олинади.

Кейинчалик «Вомиқ ва Узро»,

маларида кўпроқ ёшларга мурожаат қилиб, уларни ишчан бўлишга, ҳалол ҳаёт кечиришга даъват этади. Инсоннинг кўнглини кирлатадиган тухмат, ишқмаслик, ёлғончилик каби иллатларни қоралайди, — дейди филология фанлари доктори Усмон Қобилов. — У маҳоратли таржимон ҳам эди. Тожиқ халқ термаси бўлмиш «Латифаҳои тожики», Жомийнинг «Гулшоҳ ва Варқа» достонларини тожиқ тилидан ўзбек тилига муваффақиятли ўгиради. Бунда унинг форс-тожиқ, араб, рус, татар, туркман, бошқирд, қозок, қорақалпоқ, тунган, қирғиз, уйғур, озарбайжон тилларини мукаммал билгани қўл келарди.

Раҳматилла Юсуф ўғли томонидан ёзиб олинган ва оғиздан оғизга ўтиб, айтиб келинган «Гўрўғли» туркумига қирувчи «Гўрўғлининг туғилиб ўсиши», «Гўрўғлининг болалиги», «Чортоқли чамбил», «Райхон араб», «Юсуф билан Мисқол», «Ҳасанхон», «Қирқ йигит ва қирқ қиз», «Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келгани», «Хон Далли» каби достонлар анча довруқ қозонади.

Бахшининг беназир ижодий бойлигидан «Гўрўғли» достонлари мажмуасига кирмаган «Сунбулсоч бека», «Маликаи айёр», «Зулфизар» каби достонлар ҳам ўрин олган. У